



ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1995 йил, 1 сентябрь № 35 (160) ●

Сотувда нархи эркин

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ушбу байрам кунлари ҳам-манинг кайфияти кутаринки. Ўзбекистон халқлари Мустақилликнинг туртинчи йилини тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган, истиқбол йулда амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бераётган бир шароитда кутиб олмақдалар.

Жумхурият алоқачилари ҳам-миша халқ билан ҳамнафасдир. Уларнинг меҳнат зафарлари, орзу-интижишлари мамлакат иқтисодидини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларга намунали хизмат курсатиш истаги билан ҳам-барчас боғлиқдир.

Мустақиллик шароитида ўтган тўрт йил республика алоқа хизмати тарихида ўз қийинчиликлари ва мураккабликлари билан алоҳида из қолдирди. Шунга қарамасдан, собиқ Иттифоқдаги ҳужаликлараро муносабатлардаги узилишларнинг салбий таъсирини енга-риб, Алоқа вазирлиги ва унинг меҳнат жамоалари ўз фаолиятида кунгилсиз ҳолларнинг руй беришига йўл қўймади, ақсинча — соҳада барқарорлиқни сақлаб — қўла олди. Мустақиллик шарофати тўғрисида кўпчилик алоқа корхоналарини ривож-лантириш ва тақомиллаштириш, бозор механизмиди мукамаллаштириш борасида қўл-гина салмоқли ишлар қилинди.

Электр алоқа ва почта алоқаси хизмати ажратилиб, алоқ-хизмат қилинди «Ўзбектелеком» ва «Ўзбекистон почтаси» концерни юзга келди. Бошқа қатор ташкилот ва корхоналар таркибида ҳам муҳим, тўб ўзга-ришлар содир бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 1 августдаги Қарори-га асосан Алоқа вазирлиги мар-казий аппаратининг вази-фа ва ваколатлари янада аниқ ва равшан белгиланди.

Вазирлик томонидан барпо этилган «Ўздунробита» уяли телефон алоқаси ва «Камалак-ТВ» эфир-кабел телевидени-яси қўша корхоналари самарали иш-лаб турибди.

Республикамизда бир қан-ча хорижий компания ва фир-малар самарали фаолият ку-рсатмоқда. Япониянинг «НО-КИЯ» фирмаси билан ҳамкор-ликда йирик, рақамли йул-дош алоқа станцияси қурилди, турк фирмаси билан ҳам шун-дай станция бунёд этилди. Гер-маниянинг «Сименс» фирмаси Тошкентда йирик, рақамли электрон халқаро телефон ало-қаси станциясини ишга тушир-ди. Шу мамлакатнинг яна бир бошқа фирмаси — «АЛКАТЕЛЬ» пойтахтда 5 минг рақамга мўл-жалланган рақамли АТСни ку-риб битирди. Бир йил олдин Жанубий Кореянинг «ДЭУ» ком-панияси билан биргаликда Фарғона вилоятида 50 минг ра-қамли АТС мажмуаси ишга ту-ширилди. Сирдарё вилоятида 40 минг рақамли замонавий АТС қурилмоқда.

Ўрганчада алоқа жиҳозлари ишлаб чиқарилган завод жа-дал суръатлар билан қад рост-ламоқда. Транс-Осиё - Европа иш-ша талаби кабел магистрал-лини қуриш гоёси амалга та-тбиқ этилмоқда. Шаҳар ва туманларда ўтган тўрт йил мо-байнида 73,4 минг рақамли АТСлар, 220 километрли кабел магистраллари бунёд этилди, олтига туман алоқа тўғриси, бир минг квадрат метрдан зиёд ту-раржой қурилди.

Ўзбекистонда 2010 йилгача телекоммуникацияни тақомил-лаштириш ва ривожлантириш Миллий дастурини республи-ка ҳукумати тасдиқлади.

Юқорида қисқача қайд этил-ган қувончли натижалар кела-жакка умид уйғотади. Алоқа со-ҳаси иқтисоди тобора мустаҳ-камлашиб бормоқда.

Ўзбекистон ички ислохот-лар орқали ўз келажаги сари дади қадам ташламоқда. Бун-да алоқачиларнинг ҳам сал-моқли улуши бор.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!



ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Илгари хабар берганимиздек, газетамизда республикамиз Мустақил-лигининг тўрт йиллигига бағишланган энг яхши мақола, очерк, лавҳалар учун «Мустақиллик танлови» эълон қилинган эди. Танловда журналист-лар, ҳаваскор қаламкашлар ҳамда алоқачилар фаол қатнашишди. Улар-нинг ижод намуналаридан айримлари саралаб олинди, чоп этилди.

Газетамиз таҳрир хайъати танлов якунини куриб чиқиб, қуйидаги муаллифларга мукофотлар беришни лозим топди.
БИРИНЧИ МУКОФОТ — А. КУДИНОВА «Ҳаёт қувончлари ва ташвиш-лари» мақоласи учун.
ИККИНЧИ МУКОФОТ — Р. ОТАЕВА «Ватан ва тан» мақоласи учун.
УЧИНЧИ МУКОФОТ — Ш. АҚБАРОВА «Алоқачига етмиш хунар оз» мақоласи учун берилди.

гоҳида «Президент ку-боғи» учун халқаро му-собақа тантанали очилди.

● Ўзбекистон Республика-си Президенти Ислол Карим-ов тақлифига биноан Грузия давлат раҳбари, Грузия Республикаси парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе шу йил 4 сентябрь кунини Ўз-бекистон Республикасига расмий таширф буюрди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият билан шугуллан-увчи ташкилоти — ЮНЕС-КО бош директори Федерико Майор Ўзбекистонга рас-мий таширф буюрди.

● Фанлар академиясида кирғиз халқининг қадимий достони — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган ил-мий анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Демир қўша кор-хонаси ва Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси Тарғибот

марказининг «Туркистон — умумий уйимиз» доимий хал-қаро танлови ҳайъати 1995 йил голибларини матбуотда эълон қилди.

● Россия Президенти Бо-рис Ельцин ҳозирги пайтда жиноятчилик мамлакат мил-лий хавфсизлигига катта ха-вф солаётганлигини тан ол-ди.

● Биринчи сентябрдан бошлаб Россияда давлат тариф ставкаларини ўртача бир ярим бараварга ошириш мўлжалланяпти.

● АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хил-лари хоним қаламкашлик қи-ла бошлади. Унинг дастлаб-ки мақоласини Америкадаги юзга яқин газета чоп этди. Муаллиф бундай мақолалар-ни мунтазам ёзиб туриш ния-тда.

МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК

Кунгилларнинг қатида армон бўлган Ватаним —
Дустларига ҳаммиса дар-мон бўлган Ватаним —
Турк заминда даврлада сарбон бўлган Ватаним —
Мустақиллик муборак,
Ўзбекистон ургилай,

Шарқ мулкида табаррук,
хур гулистон ургилай.
Жаҳон-жаҳон булибди,
пучмоғида ўзбек бор
Тарихлар силсиласи қуч-моғида ўзбек бор
Ясавий руҳи кезиб уч-моғида ўзбек бор
Мустақиллик муборак,
Ўзбекистон ургилай,

Шарқ мулкида табаррук,
хур гулистон ургилай.
Тупроғи зар олтин юрт,
уз туғи, уз муҳри бор
Ардоғининг чеки йўқ, тў-либ-тонган меҳри бор
Ибрат олса арзантай, ка-молатда сехри бор
Мустақиллик муборак,
Ўзбекистон ургилай.

Шарқ мулкида табаррук,
хур гулистон ургилай.
Шарқ мулкида табаррук,
хур гулистон ургилай.

Хусанжон АМИН

АЛЛОМА 60 ЁШДА

Тошкент Электротехника алоқа институтида Ўзбеки-стон Фанлар Академиясининг академиклиги, физика-мате-матика фанлари доктори, профессор, институт ректо-ри Тельман Дадиевич Ража-бов таваллудининг 60 йил-лигига бағишланган йиғи-лиш бўлиб ўтди. Мажлисда институт профессор-ўқитув-чилари, Алоқа вазирлигига қарашли корхона ва ташки-лот раҳбарлари, республика Фанлар Академиясининг ил-мий-теқшириш институтла-ри ва олий ўқув юрталари-дан вакиллар, қўшни респу-бликалардан келган меҳмонлар иштирок этишиб юбиларни қизғин табриқлашди.

Институт проректори, профессор М.Н.Орипов ака-демик Т.Д.Ражабовнинг ҳаёт йули ва илмий-педагогик фаолияти ҳақида нутқ сўзла-ди.

Шунингдек, республика мудофаа вазирини ўринбосари, полковник Б.Ў.Қосимов, Олий аттестация комиссия-си раиси Б.О. Тошмухаме-дов, Фан ва техника давлат комитетини раисининг муовини Т.Б.Усмонов, Тошкент телеграф станцияси бошлиғи М.Ш.Зоҳидов, «Ўзбектеле-ком» кондерни раиси Т.М.Бикметовлар таъқиқ, захматкаш аллома Т.Д.Ража-бов ҳақидаги дил сўзларини изҳор этишди.

**Ю. САДУЛЛАЕВ,
Ҳ.ТОҲИРЖОНОВ**

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгилıklar ● Воқеалар ● Хабарлар

● Мамлакатимиз муста-қиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида Ўзбе-кистон Республикаси Олий Махлисининг учинчи сессия-си бўлиб ўтди. Ушбу анжуман-да республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиё-сий ҳаётида катта аҳамият касб этадиган қатор қонун-лар ҳамда мажмуалар мухо-кама қилинди.

● Мустақилликнинг тўрт йиллиги муносабати билан Ислол Каримов номига Рос-сия Президенти Борис Ель-цин, Франция Президенти Жак Ширак, Хитой Халқ Рес-публикаси Раиси Цзянь Цзи Минь, Нидерландлар қиро-личаси Биактрисс, АҚШ Пре-

зиденти Билл Клинтон, Вьет-нам Президенти Ле Дик Ань, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов ва бош-қа кўпбал давлат раҳбарла-ридан самимий табриқнома-лар олинди.

● Ўзбекистон Президенти Ислол Каримов туркий тил-да сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ў-тган навбатдаги учрашувида иштирок этди. Айни чоғда Президентимиз «Манас» достони 1000 йиллигига ба-ғишланган тантананада ҳам қатнашиб, нутқ сўзлади.

● Истиқлол байрамини нишонлаш арафасида «Юнусобод» теннис уйин-

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

1. Мустақиллик байрамнинг тўртинчи йилини нишон-
ляймиз. Шу давр мобайнида рўй берган қайси воқеалар,
ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан ўзингиз муста-
қилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишин-
гиз мумкин?

Раҳматжон ЮНУСОВ,
«Ўзбектелеком» концерни
раиси уринбосари:

1. Мустақиллик аввало
бизга ўзликимизни қайта-
риб берди. Илгари бирон-
бир ишни амалга ошириш
учун албатта юқоридан рух-
сат олиш керак эди. Муста-
қилликдан сўнг энди ўз тақ-
диримизни ўзимиз белги-
ляймиз. Қисқа фурсат ичи-
да жумҳуриятимизда, жум-
ладан алоқа соҳасида ҳам
мақтаса арзигулик ишлар
амалга оширилди. Биргина
мисол: концернимиз билан
Германиянинг «АЛКАТЕЛЬ»
фирмаси ўртасида 500 мил-
лион немиш маркаси ҳамда
Япония билан 140 миллион
АҚШ доллари ҳамда иш
бажарилиши кўзда тутилган
шартномалар тузилди.

Энг муҳим воқеалардан
яна бири — утган йили Фар-
ғона вилоятида янги рақам-

ли электрон АТСнинг ишга
туширилганидир. Жорий
йилда Тошкентда 36-АТС за-
монавий усулда ишлашга ўт-
казилди. Бундай хайрли иш-
лар фақат мустақиллик ша-
рофати туфайли амалга ош-
моқда.

2. Ҳар бир шахс ўз иш
жойида астойдил меҳнат қи-
лиши лозим. Мустақиллик
менга нима берди деб эмас,
мен мустақилликка нима
бердим дея фикр юритсақ-
кина олга силжишимиз мум-
кин. Мақтаншга йўймангу,
илгари ишим энгилроқ, фа-
қат ўз иш жойимда ишлаган
булсам, ҳозир Транс-Осиё-
Европа магистрал қурилиши-
нинг барча юмушларига ҳам
масъулман. Бундан ташқари,
Чирчиқ шаҳрида қўшма кор-
хона ташкил этмоқчимиз.
Хуллас, қилинадиган ишлар
талайгина. Бунинг учун елиб-
югуриш керак. Мустақилли-

гимиз мустаҳкамланиши,
алоқа соҳаси ривожланиши
учун сидқидилдан меҳнат қи-
лишимиз керак. Шундагина
биздан обод ва озод Ватан
қолади.

Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ,
Алоқа вазирлиги раҳбар
ходимлар ва олий ўқув юр-
тали бўлимнинг катта му-
тахассиси:

1. Мустақил республика-
мизда жуда катта, жаҳоншу-
мул воқеалар юз берди. Тўрт
йил мобайнида жумҳуриятимиз
ўз давлат байроғига,
нишонига, мадҳиясига эга
булгани қувончимизга қувонч
кўшиди. Миллий валюта-
миз муомалага чиқарилди.
Ўзбекистон мустақиллигини
150 дан ортиқ давлат тан олу-
гани унинг дунё миқёсида ну-
фузи ошиб бораётганидан
далолатдир. Булар давлат
миқёсидаги ўзгаришлардир.
Алоқа соҳасидаги ўзгариш-
ларга келсак, алоқачи мута-
хассисларимиз хорижий дав-
латларда ўқиб, тажриба ал-
машиб келишапти. Хориж-
даги замонавий технология-
ларнинг республикамизга ки-
риб келиши мустақиллик ме-
васидир.

2. Мустақиллик ҳеч қачон
осонгина қўлга киритил-
мади. Уни мустаҳкамлаш
учун кураш ҳар биримизнинг
фуқаролик бурчимиздир. Ха-

дисда «Ватанни севмоқ
иймондандур» дейилган.
Мен ҳам жумҳуриятимизга
етук алоқачи мутахассислар-
ни етказиб беришдаги иш-
ларда озгина булсада ҳис-
сам қўшилаётганидан хур-
сандман.

Шахло ШАҲОБОВА, Тош-
кентдаги Шаҳарлараро ало-
қа сузлашув нуқтаси опера-
тори:

1. Кундан кунга шахримиз
кўркамлашиб бормоқда, ши-
нам маданий-маиший мар-
казлар бунёд этилмоқда.

Халқимизга алоқа хизма-
тидан фойдаланишлари учун
бир қатор қулайликлар яра-
тилди. Жумладан, шаҳар-
лараро сузлашувларда энди
жетонлардан фойдаланила-
диган бўлди. Бу эса мижоз-
ларнинг қимматли вақтини
тежаб, ишларини тезроқ би-
тиришларига имкон беради.

2. Хизматимиздан фойда-
ланаётган мижозларнинг
оғирини енгил қилиш, улар
билан яхши муомалада бў-
лиш биз учун муҳимдир.
Уларнинг ишлари битса жуда
хурсанд бўлаемиз. Агар
корхонамиздаги телефон-ав-
томатлар янгиланса, яна ҳам
сифатли хизмат курсата олар
эдик.

Шоҳида ПУЛАТОВА, Тош-
кент шаҳридаги 275-рузно-

малар дўқони сотувчиси:

1. Президентимиз Ис-
лом Каримов олиб бораёт-
ган оқилона сиёсат ту-
файли Ватанимизда тинч-
лик, оқойишталик, сиёсий
ва иқтисодий барқарорлик
ҳўкм суряпти. Иқтисодий
мустақилликка эришиш йў-
лида олиб борилган сайё-
ҳаракатлар ўзининг ижо-
бий натижаларини кўрса-
та бошлади. Масалан, гал-
ладан яхши ҳосил олин-
ди, янги нефть конлари то-
пилди, завод-фабрикалар
қуриляпти. Буларнинг ҳам-
маси мустақиллигимиз
шарофатидандир.

2. Тинчлик бор жойда
ҳар бир иш ўз маромида
ривожланиб боради деб
уйлайман. Оз бўлсада хал-
қимизнинг сиёсий онгини
оширишга ҳисса қўша ол-
сам ўзимни бахтсиз деб ҳи-
соблайман. Бу ишни муш-
тарийларга ўз вақтида га-
зета, журналларни тарқа-
тиш орқали амалга оши-
риш мумкин деб уйлай-
ман.

Фурсатдан фойдаланиб
республикамизда фуқарола-
рини мустақиллигимизни-
нг тўртинчи йили билан
Муборакбод этаман. Мус-
тақил Давлатимиз ҳамisha
гуллаб-яшнайсин!

Сўхбатларни
И. АҲМЕДОВ ва
М. ҲАКИМОВА ёзиб олди

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йил-
лиги муносабати билан меҳнатда намуна кўрсатганлик-
лари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдир-
ландилар. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг
буйруғига кўра Наманган давлат почта алоқа ишлаб чи-
қариш корхонасига қарашли почта хат ташувчиси Аб-
дурахмон Юсупов, Навоий вилояти радио ва телевидение
узатиш марказига қарашли Лангар радиотелевизион стан-
циясининг 1 тоифали муҳандиси Раҳмон Примов, «Алоқаин-
вест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Тошкент алоқа
қурилиш бошқармасининг 6 даражали кабел кавшарлов-
чиси Виктор Кугай, Хоразм вилояти давлат электр алоқа
ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Хонқа туман элек-
тр алоқа боғламаси электр монтажчи Юсупбой Каримов,
Қорақалпоғистон давлат электр алоқа ишлаб чиқариш
корхонасига қарашли Нукус техник фойдаланиш алоқа
боғламасининг 2 шех катта муҳандиси Аманкос Аруонов-
ларга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг
«МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқаро почта-
тамнининг почта вағони бошлиғи Эркин Обидов, На-
воий давлат почта алоқа ишлаб чиқариш корхонасига
қарашли Навоий почта алоқа боғламаси хат ташувчиси
Сайдалбанат Ахметязнова, Термиз радиотелевизион узатиш
марказига қарашли Учқизил радиоузатиш станция-
сининг цех бошлиғи Маматмуса Лолахонов, «Алоқаин-
вест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Фарғона махсус ме-
ханизациялашган алоқа қўшма колоннаси 5 даражали мон-
тажчиси Аъзамжон Йигиталиев, Сирдарё давлат электр
алоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Сайхунобод
туман электр алоқа боғламаси муҳандиси Юрий Сери-
ковлар Алоқа вазирлигининг «ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ» билан
мукофотландилар.

**МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН, ЗАҲМАТКАШ
АЛОҚА ХОДИМЛАРИ!**

ТАБРИКНОМА

Қашқадарё давлат почта алоқа корхонаси
бошлиғи

Боймурод ТУЛЕЕВ!

Сизни ва Сиз орқали барча жамоангизни
Мустақилликнинг 4 йиллик байрами билан қиз-
гин табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик,
ишларингизда муваффақият тилайман.

Санобар ТЕМИРОВА,

Чироқчи почта алоқа боғламаси ҳисобчиси

МЕҲНАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАС

Қарийб 40 йилдирки Ҳаз-
раткул Саломов Шаҳрисаб-
даги Кунчиқар алоқа бўлими
бошлиғи бўлиб ишлаб келяпти.
Шу вақт ичида унинг та-
шаббуси ва ташилотчилиги
билан кўпгина хизмат турла-
ри йўлга қўйилди. Аҳолига
хизмат курсатиш ишлари
тубдан яхшиланди. Шунинг
учун ҳам мижозлар, нафақа-
хур ва обуначилар мазкур
алоқа бўлими хизматидан
мамнун.

Яқинда ҳамкасблар йиги-
лишиб, ўз ишининг фидойи-
си Ҳ. Саломовни 60 ёшга ту-
лиши муносабати билан қиз-
гин табриклашди ва унга
узқ умр, сиҳат-саломатлик,
заҳматли ишида муваффа-
қиятлар тилашди.

**Б. ЭРГАШЕВ,
Қашқадарё вилояти
Шаҳрисабз шаҳри**

ИШ СИФАТИ — БОШ МАСАЛА

«Тошкент почтаси» давлат
почта алоқа корхонаси сифат
комиссиясининг алоқа
боғламалари ходимлари билан
биргаликдаги почта бў-
лимларида жўнатмаларни
қабул қилиш ва жўнатиш сифати
ни яхшилаш борасидаги
қўшма мажлиси бўлиб ўтди.
Унда почта тармоғи ҳамда
юздан ортиқ алоқа бўлим-
лари бошлиқлари иштирок
этишди.

Мажлисни «Тошкент почта-
сис» давлат почта алоқа
корхонаси бошлиғи муовини,
Сифат комиссиясининг раиси
Комилжон Алимов олиб
борди. Иш сифатини текши-
риш натижалари юзасидан
Мирзо Улугбек тумани почта
алоқа тармоғи муҳандиси Н.
Гаффарова, Шайхонтоҳур ту-
мани почта алоқа тармоғи
тафтишчиси Ш. Шомуротов,
Сирғали тумани почта алоқа
тармоғи муовини А. Исаева-
лар сузга чиқдилар.

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси»
давлат нашриёт маркази
«Буюк ипак йўли» почта
маркалари тўпламини на-
шрдан чиқарди.

Шарқ азалдан ўзининг

у р ф о-
датла-
ри, тари-
хий ёд-
горлик-
лари билан сав-
ҳатчи-
ларни
узига
мафун-
қилиб
келган.
Шу боис
қадим-
дан сав-
догар-
лар, ху-
нарма-
ндлар,
илм со-
ҳиблари



савдо-сотик қилинган, ма-
даний алоқалар урнатил-
ган.

«Буюк ипак йўли» почта
маркалари тўпламида

Самарқанддаги «Гури
Амир»; «Шаҳ-
рисабдаги
Гумбази
Саййидон»
мақбаралари,
Бухородаги
«Чорминор»
мадрасаси,
Хивадаги
«Калтаминор»
минораси акс
этирилган.
Шунингдек,
Ўзбекистон
худудидаги
шаҳарлар
бўйлаб ўтган
Буюк ипак йўли
харитаси
тасвири ифо-
даланган.
Марка тўпла-



Шарққа интилишган.
Карвон йўлларининг
дарвозаси саналган Буюк
ипак йўли Марказий Осиё
халқлари тақдирда асо-
сий роль уйнаган. Бу қадим
йўллар орқали Хитой,
Ҳиндистон, Урта ва Яқин
Шарқ давлатлари билан

мида «Чул кемаси» — туя
акс этган.

Ушбу тўплам Республи-
камиз Мустақиллигининг
тўрт йиллигига муҳим сов-
гадир. Маркалар 6, 10, 15
ҳамда почта тўплами 20
сумдан иборат бўлиб, кўп
нусхада чоп этилган.

ЕТТИ ҚИЗ

(Ривоят)

Қадим-қадимларда Хоразм мамлакатидега бир подшоҳ бўлган экан. Шу подшоҳнинг етти иклимга донги кетган еттита гузал ва дилбар қизлари бор экан. Қизларнинг таърифини эшитган қўшни мамлакат подшоши уларнинг бирини хотин, бирини қури қилиш, бошқаларини лашкарбошию вазирига олиб бериш пайига тушибди. Туягузларга молу дуне ортириб, совчилар юборибди. Подшоҳ қизларини узатиш-узатмасликни билмай боши

қотибди. Қизларига маслаҳат солган экан, катта қиз:

— Бизлар узга юртларга бормаймиз, то улгунча уз юртимиз, уз элатимиз билан буламиз. Бизга муносиб йигитлар чиқса чиқди, тақдир қўшса тегармиз, аммо чиқмаса шундоқ утармизки, узга юртга кетмасмиз, — дебди.

Бу гапни эшитган подшоҳ қизларидан миннатдор бўлибди:

— Балли, қизим, ўғлим йўқ деб ич-ичимдан хафа бўлиб, қайтуриб юрар эдим. Сизлардан шу гапни қутган эдим. Бер-

ган тузимга розиман, — дебди.

Подшоҳ совчиларни қайтариб юборибди. Совчиларнинг қуруқ қайтиб келганини қўрган қўшни подшоҳ ғазабланибди, қўшинларни йигиб:

— Қизларини яхшилик билан бермаган бўлса, босиб бориб, юртини вайрон қиламан, халқини етти ешдан етмиш ешгача тигдан утказаман, — дебди-да, қўшин тортибди. Икки орада қаттиқ жанг бўлибди. Босқинчи подшонинг қули баланд келибди. Кўпчилик қурбон бўлибди... Подшоҳ ҳам босқинчилар тигидан оламдан утибди. Ҳамма қирилиб, еттита қиз қолибди, холос. Золим хон сарбозларидан қўрқмасдан қизлар бир неча кун мардона-

вор жанг қилишибди. Охири булмагач, худодан душманнинг қўлига тушгунча ер қаърига кириб кетишни илтижо қилишибди. Қизларнинг илтижоси худо таолога маъқул бўлиб, Оллоҳ уларни ер қаърига олибди. Ерилган ерга бирин-кетин тушиб кетаётган қизларнинг кокиллари ташқарида қолибди-да, етти туп мажнунтолга айланибди. Шу-шу золим подшоҳ дастидан харобазорга айланган бу жойда етти туп мажнунтол усиб турармиш. Одамлар бу жойни «Етти қиз» деб атай бошлашибди. Хазорасп туманида «Етти қиз» деб аталган ана шу жой ҳозир ҳам бор.

ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА БАХТ ЙЎҚ

Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзатилган.

Ж.Ж.Руссо

Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.

В.А.Сухомлинский

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М.Салмон

Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нима қилмасликдир.

М.Робеспьер

Ватанпарварлик бизни маҳлиё қилиб қўймаслиги керак, ватанга муҳаббат кўр-қўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.

Н.М. Карамзин

Энг ёқимли ва долзарб ишлар ҳам ватанга хавф солувчи хатар олдида нарига суриб қўйилади.

Л.М.Леонин

Бизга ота- оналар, болалар, яқин хеш-ақрабодлар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина «Ватан» отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

Цицерон

Энг мақбул фазилат — ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

Ж.Делиль

Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.

И.С.Тургенев

Бегона юрт ватан бўла олмади.

И.Гёте

Ватан тарқини бир нафас айлама, Яна ранжи гурбак ҳавас айлама.

Элга қўшулгон эш топти.

А.Навоий

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмади.

Ж.Байрон

Ким ўз ватанига дахлдор бўлмаса у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

В.Г.Белинский

Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, — бу ватанга хиёнатдир.

П.Буаст

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ДИП СЎЗЛАРИ

Билал АМИНОВ — газетамизнинг жамоатчилик кенгаши аъзоси, таниқли элшунос, тарихчи олим, миллий қадриятларимизни тинимсиз тарғиб этувчи жонқуяр алломаларимиздан биридир. У Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг миллий қадриятларни тиклаш ва уларни турмушга жорий этиш мавзусидаги илмий ишларлар лойиҳалари танлови ғолибидир.

Куйида заҳматқаш олимнинг Мустақиллик ҳақидаги дил сўзларини ўқийсиз.

Мустақиллик истиқлолдир, инсонлар ва ҳар бир миллатнинг абадий орзусидир.

Мустақиллик — Ватанинг ашадди, уни кўз қорачигидек сақлаш демак.

Одамнинг бахти — озодлигида, халқнинг бахти — Мустақиллигида!

Мустақиллик қалбни поклаш, руҳланиш ва интилиш ҳамдир.

Мустақиллик иймоннинг ибтидоси, буюк маънавий озуқа, инсон камолатининг шаҳдам қадам ташлаши демак.

Мустақиллик тинч-тотув яшаш, миллат руҳининг қайтиши ва янги парвозларидир.

Мустақиллик инсонийлик кўрки бўлмиш урф-одат, анъаналарни тиклаш, қадриятларимизни қадрига етишнинг бошланishi, тил ва дилнинг бирлиги демакдир.

Мустақиллик инсонпарварликка даъват, авлодларнинг дилбандлигини англаш демак.


Истиқлол — аждодлар руҳи ва қонининг танамизда қайтадан балқилишидир.

Мустақилликни ҳимоя қилиш ва сақлаш учун иймон ва ирода керак!

Бизнинг бойликларимиз кўп, аммо миллатнинг Мустақиллиги, унинг кайфияти ва руҳияти янада буюкроқ бойлиқдир.

Эй, маним Мустақил Республикам! Муборак айёминг қутлуг, илоҳим бағринг бутун бўлсин!

Билал АМИНОВ



• Ажаб дунё

СИГИР ДАРАХТ

Сут — табиатнинг ажайиб маҳсули. Минг йиллар мобайнида инсоният бу татимли ва қимматбаҳо маҳсулотни хайвонлардан, асосан сигирдан соғиб олишга одатланган. Айрим мамлакатларда сигирдангина эмас, балки дарахтдан ҳам сут соғиб олишади.

Марказий ва Жанубий Америкада тутдошлар оиласига мансуб бўлган бир сўтлама дарахт ўсади. Венесуэлада бундай дарахтлар урмон ҳосил қилган. Маҳаллий халқ бу дарахтни «сигир дарахт» деб атайдди. Унинг шарбатини сут урнида истеъмол қилишади. Дарахтнинг шарбати энг яхши сигир сутидек тўйимли, сувга яхши аралашади, чойга ёки қаҳвага қўшганда ивиб қолмайди, тропик иссиқ ўлка шароитида ҳам бир ҳафтагача айнимай тураверади. «Сигир дарахт» сутининг тами сигир сутини эслатади, аммо долчин мазаси келиб туради; оддий сутдан куюкроқ булганлиги учун бироз чўзилувчан ҳусу-сиятта эга, сигир сути каби қаймоқ бойлайди. Сут соғиб олиш учун «сигир дарахт» пустилоғи тилиниб, тагига идиш қўйилади, холос. Бир туп дарахт бир неча кишига етарли сут беради. Бу сутга аввало сув қўйилади, сўнгра сузилади. Шундан кейингина уни ичиш мумкин.

ШАМ ДАРАХТИ

Марказий Американинг Панама канали туманида галати бир дарахт ўсади. Бу дарахт мевасининг шакли шамни эслатади, ўзи ҳам шам вазифасини бажаради. Меванинг таркибида ёғ жуда кўп. Меванинг уртасини ёриб, орасига пилик қўйилса бас, шам тайёр даяверинг. Маҳаллий аҳоли бу дарахтнинг мевасидан уларни ёритиш учун шам урнида фойдаланади. Шунинг учун ҳам «шам дарахт» номи билан машҳурдир. Бу табиий шам 3 соатдан 5 соатгача хонани бемалол ёритиб туради. Оддий шамлардан фарқи — ёнганда ис чиқмайди.

БАЙРАМ ХАНДАЛАРИ

Икки ўртоқ учрашиб қолишди.
— Уша севган қизингга уйланиб олдингми ё ҳали ҳам овқатингни узинг пиширяпсанми?
— Уйланиб ҳам олдим, овқатни ҳам узим пиширяпман...

Муаллим ўқувчидан сўради:
— Нега қўлларинг бунча ифлос?
— Мен қўлим билан бетимни ювгандим.

— Эримни кўргани кўзим йўқ, мени урди-я ярамас!
— Ие, мен эрингни кўрорган кетган деб уйлловдим.
— Мен ҳам шунчақ деб уйлловдим-да...

Бир аёл паршонхотир дўхтирга боласи йўқлигидан шикоят қилди. — Балки бу ирсият ҳодисасидир, — деди дўхтир, — айтингчи, онангиз фарзанд кўрганидидилар?

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирзиулат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХУҶАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АХМЕДОВ

Билал АМИНОВ
Сайдмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарриратта келган кўабмаълумот (2 орадан), 5 бетдан олинмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Ҳафтада олиш №000011. Буюртма №Г-0426. 9894 нусхада чоп этилади. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 4

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Яшил-ларга эргашиб».
18.50 «Ўзбектеlevision» фестивали: «Инсон қалбига йўл», «Шоҳсанам». Премьера.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Пул қадри».
20.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 I Марказий Осиё ўйинларида.
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 1-қисм.
23.30 Ўзлонлар.
23.35 — 24.00 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун «Кўзумчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.15 «Иходкор ёшлар».
19.45 «Махалла гузары».
19.55 «Бу буюн аро...»
20.25 — 22.45 «Дероу Узала». Бадий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.10 — 20.45

ЎзТВ IV

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.35

ЎзТВ V

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Городецлик усталар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.45 «Мухаббатга ошно қалблар».
21.05 «Жахон географияси».
21.55 Ўзлонлар.
22.00 Видео — «О».
23.40 Ўзлонлар.
23.45 «Курьер».
00.05 «...яна об-хаво ҳақида».
00.15 — 00.25 «Постфактум».

СЕШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
8.00 I Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
8.15 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.15 Немис тили.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Факрилар — факрими».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
12.00 — 14.00 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бўталок». Республика кўйроч театрининг спектакли.
18.55 «Ўзбектеlevision» фестивали: «Нафосатга бахшида умр», «Муроднинг орзу-ўйлари». Премьера.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Учрашув». Элёр Носиров.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Истиклол наволари».
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 2-қисм.
23.15 I Марказий Осиё ўйинларида.
24.00 Ўзлонлар.
00.05 — 00.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табият дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».

21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эстрада концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.55 «Соккер-клуб».
22.40 — 22.55 I Марказий Осиё ўйинлари хабарномаси.

ЧОРШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
8.00 I Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
8.15 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.15 Алифбо сабоқлари.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 Чолғу куйларидан концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 — 14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбектеlevision» фестивали: «Қамкорлик самараси». Премьера.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Тафаккур ёлқинлари».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Қишлоқ тадбиркорлари».
20.20 «Жахон мусикаси дурдоналари». Балетлардан парчалар.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 3-қисм.
22.30 — 01.00 Спорт кўрсатувлари: 1. I Марказий Осиё ўйинларида; 2. Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Навбахор».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Жонли тил».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Усто». Баходир Йўлдошев.
21.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.55 — 23.25 «Кинематограф».

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Мюзик-холл».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.50 «СПОРТ КИТЪАСИ».
22.15 Ўзлонлар.
22.20 — 23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

ПАЙШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
8.00 I Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
8.15 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.15 «Ёшлик» студияси. «Асқар мактублари».
9.50 «Сув — оби ҳаёт». Кинодастур.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.



11.00 Ўзбек куйларидан концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Харакатда баракат».
12.20 — 14.20 «Майрифат» видеоканалли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлар ва замон».
18.55 «Ўзбектеlevision» фестивали: «Илм ва зиё маскани». Премьера.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Хурлик масъулияти».

Адабий кўрсатув.
20.20 «Оюма-юз».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 I Марказий Осиё ўйинларида.
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 4-қисм.
23.30 Ўзлонлар.
23.35 — 24.00 «Ахборот».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгул».
18.40 «Мухаббатга ошно қалблар».
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.15 — 22.55 «Кинонигоҳ».

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Рояль олдида суҳбат». Адиба Шарипова.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Булоқлар кўз очганда».
20.20 I Марказий Осиё ўйинлари хабарномаси.
20.35 «Жахон ва биз».
21.20 — 22.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

ЖУМА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
8.00 I Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
8.15 ЎзТВ хазинасидан. Тохир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 4-қисм.
9.15 Немис тили.
9.45 «Ватандан яхши ёр бўлмас». Адабий-мусиқий композиция.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Болалар меҳмонхонаси».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Шифокор экрани.
12.30 — 13.10 «Гул бир ён, чаман бир ён». Мусиқий композиция.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
18.45 Бир жуфт кўшиқ.
18.55 «Гул кўп, чаман кўп».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Бовосита мулоқот».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Майсаранинг иши». Аббас Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.00 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 «Замандас» (қозоқ тилида).

10.50 «Ёшлик» студияси. «Ёнғиндан сақланинг!».
11.20 — 12.25 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргуза-

00.35 Ўзлонлар.
00.40 — 01.05 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Утмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб кўйган яхши».
19.30 «Бизнес — академия».
19.55 «02» тўлкинида.
20.20 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.30 — 23.05 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.00 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Турналлар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 I Марказий Осиё ўйинлари хабарномаси.
«ОМАД» таништиради:
20.05 Ўзлонлар.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
21.00 «Компьютер-Осиё».
21.30 «Кулгига нима етсин».
21.55 Ўзлонлар.
22.00 «Даракчи».
22.10 Ўзлонлар.
22.15 Видео янгиликлари.
22.35 Ўзлонлар.
22.40 — 00.20 Видео — «О».

ШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Доктор Вера». Бадий фильм.
9.25 «Севги сурури». Мурод Раҳмон шеърли билан айтайдиган кўшиқлар.
10.10 «Компьютер-шоу».
10.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшигим, жон кўшигим».
11.45 — 13.45 Р. Азизхужаев, Х. Муҳаммад асари, Телман Хансанов мусикаси. «Кувёлар конкурси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусика театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Санъат гунчалари».
18.35 «Сихат-саломатлик».
19.05 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Ялла ва рақслар.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Ўзлонлар.
21.30 «Бахт тиларман». Эркин Воҳидов лирикаси.
22.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастурли.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табият дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ КИТЪАСИ».

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун фильм. «Гисмиқ».
19.10 «Оқ соя».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
20.00 «Менинг кўчам».
20.15 «Эсдалик учун дастхат».
20.40 — 22.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.00 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 20.45 — 21.25

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 «Замандас» (қозоқ тилида).

10.50 «Ёшлик» студияси. «Ёнғиндан сақланинг!».
11.20 — 12.25 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргуза-

штлари». 1-серия.
17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 «Севги рақси». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Чинсэн».
20.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.40 «Безен мирас» (татар тилида).
21.20 «Подיום».
21.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
21.50 — 22.50 «Деҳон даладан қайтди».

ЯҚШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Шохрух» клуби.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватаннига қизмат қиламан».
11.00 Кинотахририят почтасдан.
11.45 «Кўшиқларим сизга армуғон».
12.15 «Цирк! Цирк! Цирк!».
13.00 — 14.10 «Актёрлар роллари». Мадина Мухторова.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Маҳалламиз болаларини».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 Ўзлонлар.
20.05 Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов куйлайди.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Хафтанома».
21.30 Ўзлонлар.
21.35 «Хамма бир кишига қарши». Бадий фильм. 1—2-сериялар.
23.55 — 00.25 «Хафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгул».
10.10 «Мухаббатга ошно қалблар».
10.30 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.40 «Теле-ателье-шоу».
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.45 — 14.25 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИСИ 18.00 — 22.55

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 22.55 — 01.10

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
9.30 «Менинг кўчам».
9.45 «Дарвоқе...»
10.05 «Эсдалик учун дастхат».
10.30 «Эртақларнинг сехрли олами».
12.00 — 12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.

18.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.10 «Мусиқий саёҳат».
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Хорижнинг биринчи элчилари».
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Дўстларимиз сайёраси».
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.50 — 23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).